



ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШ ОРҚАЛИ СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Азимов Рустам Садикович,

“Ўзбекинвест экспорт-импорт сугурта комранияси” АЖ Бош директори, и.ф.н.

Арифходжаева Ирода Салахутдиновна,

“Ўзбекинвест” ЭИСК АЖ, Департамент раҳбари Email: n_irodahon@mail.ru,

Orcid: 0009-0006-9416-8462

ENSURING THE FINANCIAL STABILITY OF INSURANCE COMPANIES BY MANAGING THE RISKS OF INDIVIDUALS AND LEGAL ENTITIES

Azimov Rustam Sadikovich,

Candidate of Economic Sciences, General Director of JSC “Uzbekinvest Export-Import Insurance Company”

Arifkhodjaeva Iroda Salakhutdinovna,

“Uzbekinvest” EISK JSC, Head of Department

Email: n_irodahon@mail.ru, Orchid: 0009-0006-9416-8462

JEL Classification: G5,G52

Аннотация. Мақолада сугурта ташкилотларининг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаши бўйича замонавий талаблар ва тавсиялар кўриб чиқилган, сугурта компаниясининг молиявий барқарорлиги омили сифатида сугурта хизматларининг нархини тадқиқоти ўтказилган, сугурта компаниясининг тўлов қобилиятини таъминлаши тизимишинг энг муҳим элементи сифатида сугурта захираларини шакллантириши ва молиявий ҳисобот маълумотлари асосида сугурта фаолиятининг рентабеллигини баҳолаши таҳлил қилинган. Сугурта компанияларининг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлиги муаммосига илмий ва амалий ёндашувларнинг ривожланиши тарихи бир қатор иқтисодчи-олимларнинг илмий изланишилари, умумий сугурта соҳасидаги бизнеснинг асосий йўналишилари бўйича зарарлилик коэффициентлари аниқланган ва шу асносида илмий асослантирилган хулоса ва таклифлар шакллантирилган. Сугурта фаолиятини рақамлаштириши сугурта истеъмолчиларига юзлаб сугурта маҳсулотларининг нархи, қиймати ва афзалликлари бўйича солишишии имкониятини берадиган InsurTech платформалари тавсифи келтирилган.

Abstract. The article examines modern requirements and recommendations for ensuring the financial stability and solvency of insurance organizations. As a factor of the financial stability of the insurance company, the price of insurance services was researched, the formation of insurance reserves as the most important element of the insurance company's solvency system, and the assessment of the profitability of insurance activity based on financial reporting data was analyzed. The history of the development of scientific and practical approaches to the problem of solvency and financial stability of insurance companies was determined by the scientific research of a number of economists-scientists. Moreover, the coefficients of harm were determined in the main directions of business in the field of general insurance. And based on this, scientifically based conclusions and suggestions were formed. The Digitization of Insurance describes InsurTech platforms that enable insurance consumers to compare hundreds of insurance products on price, value and benefits.

Калим сўзлар: сугурта, риск, Solvency II, InsurTech, таъриф

Key words: insurance, risk, Solvency II, InsurTech, tariff, underwriting

Кириш.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, иқлим ўзгариши, товар ва хизматлар етказиб бериш занжирларининг мураккаблашиши натижасида бизнес рискларининг частотаси ўзгариши билан бир қаторда суғуртада нарх белгилашнинг долзарблиги ҳамон ортиб бормоқда. Агар, бир томондан, ахборот технологиялари соҳасидаги техник тараққиёт, иқтисодиётни рақамлаштириш инсонларнинг суғурта ҳақидаги мулоҳазасига қўшимча сифатида улкан истиқболларни очса, иккинчи томондан, суғурталовчиларга нархларни бир зумда таққослаш имконияти мижозлар танловига бевосита таъсир қиласди, чунки мижозлар кўпинча минимал нархдаги товарларни (хизматларни) танлайдилар.

Ушбу тенденциялар билан самарали ўзаро таъсир қилиш ва уларга қарши курашиб учун рискларни аниқлаш ва нархлаш жараёнига янги инновацион ёндашувлар талаб этилади. Суғурталовчилар суғурта соҳасида рақобатбардош устунликни сақлаб қолиш учун янги технологик, бозор ва истеъмолчи воқеликларига самарали мослашишлари керак: жумладан,

-нарх ва қиймат шаффоғлигини ошириш. Суғурта соҳасини рақамлаштириш суғурта истеъмолчиларига юзлаб суғурта маҳсулотларини нархи, қиймати ва афзалликлари бўйича солиштириш имкониятини беради. Ушбу сайтлар, шунингдек, суғурта брокерлари сингари истеъмолчиларни маҳсулот танловини ўзларининг ноёб эҳтиёжлари ва тўлашга тайёрлиги билан янада самаралироқ мувоғиқлаштиришга ўргатади.

-истеъмолчиларга кўпроқ маълумот тақдим этиш. Нархлар шаффоғроқ бўлганда, истеъмолчилар хавфсизлик, ҳаракатчанлик ва қамровнинг турли турлари каби турли хил ўзгарувчиларга асосланган янги таклифларга тобора кўпроқ очиқ бўлмоқдалар ва бу таклифлар янги, динамик нархлаш тузилмаларини талаб қиласди.

-суғурта назорати органлари томонидан назоратни кучайтириш. Янги қоидалар, шу жумладан Solvency II,

суғуртачилардан умумий даромадни бузмасдан капиталнинг юқори даражасини сақлаб қолишини талаб қиласди ва бунинг учун суғуртачилар харажатларни камайтириши ёки нархларни ошириши керак.

-бозорга янги молиявий маҳсулотлар (масалан, суғурта экотизимлари) ва янги технологиялар (масалан, Инсуртеч) кириб келмоқда. Электрон тижорат, банк суғуртаси, чакана сотувчилар ва бошқа ноанъянавий суғурта бозори иштирокчилари янги инновацион бизнес моделлари ва маҳсулотларини таклиф қилиб суғурта соҳаси диверсификация қилинмоқда.

-инқилобий янги технологиялар янги нархлаш моделларини очмоқда. Биг Дата, IoT, peer-to-peer, Блокчейн, сунъий интеллект ва маълумотларни булатли сақлаш ва таҳлил қилиш воситалари суғурта компанияларига фойдаланишга асосланган нархлаш моделлари ва бошқа инновацион моделларни ишлаб чиқиш учун илгор ва кучли имкониятлар беради; янги ташки манбалардан маълумотларни олиш ва истеъмолчиларнинг хизматларни тўлаш, сотиб олиш ёки рад этиш риски ёки тайёрлигини аникроқ баҳолаш имкониятини тақдим қиласди.

Материал ва метод. Бир қатор олимлар жисмоний ва юридик шахсларнинг рискларини бошқариш орқали суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича тадқиқотлар олиб борган. Жумладан:

Жозеф Шумпетер риск ва тадбиркорликни боғлаб, агар иқтисодий режада таваккалчилклар ҳисобга олинмаса, улар бир томондан фойда, иккинчи томондан заарлар манбаига айланишини таъкидлади [1].

И.Т.Балабанов рискни инсоният жамиятининг муайян табиат ҳодисалари ва фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган йўқотишларнинг мумкин бўлган хавфи деб тушунади. Иқтисодий категория сифатида риск содир бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин бўлган ҳодисадир. Бундай ҳодиса юз берган тақдирда учта иқтисодий натижага келиб чиқиши мумкин:

салбий (йўқотиш, зарап); нол; ижобий (даромад, фойда) [2].

Б.А.Раизберг рискни хўжалик юритувчи субъектнинг прогнозда, унинг харакатлар дастурида назарда тутилганидан ортиқ қўшимча харажатлар кўринишида зарап кўриши ёки кутганидан кам даромад олиши таҳдида деб ҳисоблайди [3].

Э.С.Стоянова қуйидаги таърифни беради: риск - бу башорат қилинган вариантга нисбатан йўқотиш ёки даромаднинг этишмаслиги эҳтимоли [4].

В.В.Ковалев молиявий рискни ушбу турдаги активларга эгалик қилиш орқали олиш мумкин бўлган даромад ўзгарувчанлиги даражаси деб ҳисоблайди [4].

Иқтисодиётдаги ўзгаришлар жамиятнинг ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, улар ҳар доим ҳам ижобий йўналишга эга бўлавермайди. Ижтимоий рисклар деганда инсоннинг нормал кўпайишига, унинг физиологик ва ижтимоий-иктисодий ҳаётига таҳдид соладиган ҳодисаларнинг юзага келиш эҳтимоли тушунилади. Ижтимоий рисклар барча ижтимоий қатламлар, гурухларга хос бўлиб, уларнинг бир қисми субъект, бошқалари эса риск обьекти ҳисобланади. Улар биргаликда, ўзаро манфаатли иштирок этиш ва иштирокчилар манфаатларининг изчиллиги асосида бошқарилиши мумкин [5]. Бизнинг фикримизча, ижтимоий хавф омиллари гурухига маданий хавф омилларини қўшиш керак. Жамиятнинг маданий ривожланишидаги ўзгаришлар, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш истеъмолчилар талаблари ва стандартларини ўзгартиради ва ишлаб чиқарувчилар учун хавфли муҳит яратади.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида рисклар рўйхатининг кенгайиши ва уларнинг хавфлилигининг ўсиши натижасида юридик шахслар рискларни бошқаришнинг турли усулларидан фойдаланиш зарурлигини англаб етди. Модернизация қилинган иқтисодиёт шароитида юридик шахсларнинг рискларини бошқаришнинг умумий қабул қилинган усуллари қўйидагилардир:

- рискнинг пайдо бўлишига ва амалга оширилишига ёрдам берадиган харакатларни рад этишдан иборат бўлган рискдан қочиш;

- рискни ушлаб туриш - хавфни амалга оширишдан юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни (зарапларни) қоплаш учун захираларни яратиш;

- рискни узатиш. Рискларни ўтказиш аутсорсинг, (қайта суғурта) ва суғурта шаклида бўлиши мумкин [6];

- профилактика чоралари орқали рискни камайтириш.

Юқорида келтирилган адабиётлардан ташқари, суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш бўйича замонавий талаблар ва тавсиялар кўриб чиқилган, суғурта компаниясининг молиявий барқарорлиги омили сифатида суғурта хизматларининг нархини тадқиқоти ўтказилган, суғурта компаниясининг тўлов қобилиятини таъминлаш тизимининг энг муҳим элементи сифатида суғурта захираларини шакллантириш ва молиявий хисобот маълумотлари асосида суғурта фаолиятининг рентабеллигини баҳолаш таҳдил қилинган. Суғурта компанияларининг тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлиги муаммосига илмий ва амалий ёндашувларнинг ривожланиш тарихи бир қатор иқтисодчи-олимларнинг [7], Халқаро суғурта назоратчилари ассоциацияси [8], Халқаро актуарийлар ассоциацияси [9], Суғурта ва меҳнат пенсиялари бўйича Европа бошқармаси [10], Халқаро валюта жамғармаси [11] каби халқаро ташкилотлар хужжатларида кенг ёритилган. Европа Итифоқи давлатларининг жорий тўлов қобилияти тизимида тўлов қобилиятини суғурталовчиларнинг капиталига бўлган Solvency II талабларига катта эътибор берилади, унинг асосий мақсади капиталнинг етарлилигини тартибга солиш ва рискларни бошқариш стандартларига амал қилишни таъминлаш учун ягона тизимни шакллантиришdir [12].

Solvency II га кўра, капиталга талаб иккى қисмдан иборат: капиталга минимал талаблар (minimal capital requirements, MCR); риск капитали (solvency capital requirements, SCR). MCRнинг SCRдаги



улуши камида 25% бўлиши ва 45% дан ошмаслиги керак [13]:

$$0,25 \cdot SCR \leq MCR \leq 0,45 \cdot SCR, \quad (1)$$

Solvency II нинг стандарт формуласига кўра SCR қўйидаги формула бўйича ҳисобланishi мумкин:

$$SCR = BSCR + Adj + SCR_{or}, \quad (2)$$

бу ерда: $BSCR$ - тўлов қобилиятини таъминлаш учун капиталга қўйилган асосий талаб; Adj - йўқотишларни ўзлаштириш учун техник захираларга киритилган тузатиш; SCR_{or} - операцион ризк.

Solvency II коэффициенти суғурта компаниясининг ўз маблағларининг SCR га нисбатини акс эттиради:

$$solvency ratio = \frac{\text{own funds}}{SCR}, \quad (3)$$

Риск маржаси суғурта мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган техник захираларни кутилаётган миқдор қийматида белгилайди. Solvency II низомининг 37-моддасига мувофиқ¹ риск маржаси қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$RM = CoC rate \cdot \sum_{t=0}^{T-1} \frac{SCR(t)}{(1+r(t+1))^{t+1}},$$

бу ерда: T - суғурта мажбуриятлари амал қилиш муддати; $CoCrate$ – капитал қийматининг ставкаси; r - рисксиз ставка.

Суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти ва молиявий баркарорлигини баҳолаш анча мураккаб вазифа бўлиб, катта ҳажмдаги статистик маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва изоҳлашни, замонавий амалий дастурий маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда кўп меҳнат талаб қиласидиган иқтисодий-математик ва эҳтимоллик-статистик усуслардан фойдаланишини талаб қиласиди. Ушбу ҳисоб-китобларнинг натижалари хар доим ҳам суғурта хизматлари истеъмолчилари ва суғурта компаниялари акциядорлари учун тушунарли бўлмайди. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари молиявий ҳисобот тизимида ушбу натижаларни тўғри акс эттириш учун ҳали мослаштирилмаган. Бундан ташқари, давлат иштироки мавжуд иккита

компаниядан (булар «Ўзбекинвест» АЖ, «Ўзагросуғурта» АЖ) ташқари бошқа суғурта компанияларида оз миқдордаги ўзларининг капитали мавжуд бўлиб, бу Халқаро суғурта назоратчилари ассоциациясининг (IAIS) капитал етарлилик стандартларини (ICS) ёки Solvency II нинг тўлов қобилияти режимини жорий этишни қийинлаштиради. Камдан-кам суғурталовчиларда тўлов қобилияти кўрсаткичларни баҳолаш учун мураккаб иқтисодий ва математик ҳисобкитобларни амалга оширишга қодир юқори малакали кадрлар бор. Масалан, ўз фаолиятини юритаётган 42 та суғурта компанияси учун ҳозирда атиги 5 та сертификатланган актуарийлар мавжуд, ваҳоланки бундай мутахассислар ҳар бир суғурта компаниясининг штатларида бўлиши керак.

Натижалар.

Республикаси шароитида Solvency II тўлов қобилияти стандартларини жорий этиш учун биринчи босқичда унинг асосий кўрсаткичларни соддалаштирилган тизими таклиф этилмоқда. Улар, асосан, зарур бўлган ўз капиталининг мақбул миқдорини ва техник захираларни ҳисоблаш усусларини асослаб бериши керак. Суғурта назорати органлари томонидан назорат кучайтирилди. Янги қоидалар, шу жумладан Solvency II, суғурталовчилардан умумий даромадларни камайтирмасдан капиталнинг юқори даражасини сақлаб туришларини талаб қиласиди ва бунинг учун суғурталовчилар харажатларини камайтириши ёки нархларни ошириши керак бўлади.

Суғурталаш учун қабул қилинган рискларга мос келадиган суғурта захираларини ҳисоблаш суғурталовчининг асосий бизнес жараёнига айланиши керак. Суғурта захираларини баҳолашнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини ошириш ҳамда суғурталанган рискларнинг манбалари ва даражаси тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиш суғурта фаолиятининг рентабеллиги ва қанчалик рискли эканлигини тезкор аниқлаш

¹ Commission Delegated Regulation (EU) 2015/35 supplementing Directive 2009/138/EC of the European Parliament and of the Council on the taking-up and


pursuit of the business of Insurance and Reinsurance (Solvency II)

имконини беради. Шу боис сұғурта захираларини бақолашни такомиллаштириш билан биргаликда молиявий хисобтларни халқаро стандартларга мувофиқ юритиш, юқори ракобат ва меъёрий-хуқукий чекловлар кучайган шароитда сұғурта компанияларининг муваффақиятли ривожланиши учун зарур бўлган қарорларни тўғри ва ўз вақтида қабул қилиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида сұғурта хизматлари нархини белгилашнинг услубий асоси Сұғурта назорати давлат инспекцияси томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 30.11.2007 йилдаги СБ16-02-32/415-сон билан тасдиқланган «Умумий ва ҳаёт сұғуртаси соҳасида сұғурта тарифларини хисоблаш бўйича услубий йўриқнома» хисобланади, бунда рискнинг бир катор статистик кўрсаткичлари мавжудлиги назарда

тутилади – заарнинг частотаси, заарнинг оғирлиги, сұғурта суммасининг заарлилиги, уларга асосланиб сұғурта ҳодисаси рўй бериши эҳтимоли ва сұғурта ҳодисаси содир бўлганда мумкин бўлган зарар миқдори баҳоланади (1-расм).

2016-2020 йиллар давомида умумий сұғурта соҳасида сұғурта бизнесининг асосий йўналишлари бўйича заарлилик коэффициентини таҳлили шуни кўрсатадики, унда ўсиш тенденцияси мавжуд бўлса-да, у ҳали ҳам анча паст даражада бўлмоқда: бу даврда умумий сұғурта соҳаси бўйича заарлилик коэффициенти 7,2% дан 24,6% гача ўзгарган. Таққослаш учун шуни келтириш мумкинки, Европа Иттифоқи мамлакатларида 2020 йилда заарлилик коэффициенти 36,6% дан (Руминия) 76,0% гача (Исландия) бўлган².



1-расм. Умумий сұғурта соҳасидаги бизнеснинг асосий йўналишлари бўйича заарлилик коэффициентлари³

² Claims ratio for non-life insurance in Europe in 2020, bycountry.

<https://www.statista.com/statistics/1268896/non-life-insurance-claims-ratio-country-europe>

³ Муаллиф томонидан тузилган.

Регуляторнинг услуби

Тариф тузилиши⁴
МХХС 17 «Суғурта шартномалари»

Нетто ставканинг асосий қисми	Келажакдаги пул оқимларининг тахминий баҳоси
Риск юкламаси	Молиявий бўлмаган риск учун риск тузатиши
Режалаштирилган фойда (юкламанинг бир қисми сифатида)	Шартнома бўйича хизматлар учун маржа
Қабул қилиш харажатлари (юкламанинг бир қисми сифатида)	Қабул қилиш харажатлари

Ўзбекистон Республикасининг суғурта сегменти учун амалда бўлган нархлаш модели суғурта компанияларини акциядорлаштириш талабларига тўлиқ мос келмайди ва уни МХХСнинг 17 «Суғурта шартномалари» стандартларига мувофиқ модернизация қилиш зарур.


Рақамли технологиялар янги нархлаш моделларини очиб беради. Катта маълумотлар, машина билан ўрганиш ва маълумотларни амалий таҳлил қилиш воситалари суғурта компанияларига нархлаш моделларини ва бошқа инновацион моделларни ишлаб чиқиш учун кенг имкониятларни яратади; маълумотларни янги ташқи манбалардан олиш имконияти рискни ҳамда истеъмолчилар хизматларни сотиб олишга тайёрлигини ёки рад этишини аникроқ баҳолашга ёрдам беради.

Суғурта фаолиятини рақамлаштириш суғурта истеъмолчиларига юзлаб суғурта маҳсулотларининг нархи, қиймати ва афзалликлари бўйича солишибтириш имкониятини беради. Ушбу электрон платформалар истеъмолчилар билан алоқани суғурта воситачиси маслаҳати ўрнига янада қулайроқ ва замонавий форматга алмаштиради, маҳсулот

танловини ўзларининг ноёб эҳтиёжлари ва тўловга тайёрлиги билан янада самаралироқ мослаштиришга ўргатади. Нархлар шаффофф бўлиши билан, истеъмолчилар хавфсизлик, ҳаракатчанлик, қамровнинг турли шакллари каби ҳар хил ўзгарувчиларга асосланган янги таклифларга тобора очиқ бўладилар ва бу таклифлар янги, динамик нархлаш тузилмаларини талаб қиласди.

Бозорда янги молиявий маҳсулотлар (масалан, суғурта экотизимлари) ва янги технологиялар (масалан, Insuretech) пайдо бўлмоқда. Суғурта соҳаси диверсификация қилинмоқда: электрон тижорат, банк суғуртаси, чакана сотувчилар ва бошқа ноанъянавий иштирокчилар янги инновацион бизнес моделларини ва маҳсулотларини таклиф қилмоқдалар. Технологик тараққиёт - катта ҳажмдаги маълумотларни йигиш ва таҳлил қилиш билан бирга, технологияга асосланган суғурта платформалари ва технология провайдерлари учун суғурта соҳасидаги муҳим муаммолова ва камчиликларни ҳал қилиш учун йўл очди. Таклиф этилаётган маҳсулот, хизматлар ва платформа моделига қараб InsurTech платформаларини сегментланади (3-расм).

⁴ Муаллиф томонидан тузилган.




3-расм. InsurTech платформаси моделлари тавсифи⁵

Хозирда бутун дунё бўйлаб 1500 га яқин InsurTech стартаплари фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, сўнгги беш йил ичидаги 700 дан ортиқ InsurTech инвестицияларига 9 миллиард доллардан ортиқ капитал ажратилган⁶. Ушбу омилларни тушунмаган ва янги нархлаш моделларини ишлаб чиқиб қабул қила олмаган сұгурталовчилар охир-оқибатда ютқазишади. Ушбу сұгурталовчилар ўз міжозларининг эҳтиёжларини ва тўлашга тайёрлигини яхшироқ тушунадиган ва шунинг учун арzonроқ нархларда яхшироқ

тақлифларни ишлаб чиқишига қодир бўлган рақобатчиларга нисбатан бозордаги рақобат бўйича ўзларининг устунликларини тезда йўқотадилар.

Бундан ташқари, фақат анъанавий нархлаш усулларига таянишни давом эттираётган сұгурталовчилар риски кўпроқ ва фойдаси камроқ сұгурта шартномалари билан шаклланган, мувозанатсиз портфелга эга бўлиб қоладилар, бу эса уларнинг сұгурта фаолиятининг рентабеллигини ҳамда уларнинг бозордаги улушкини пасайишига олиб келади.



3-расм. Андеррайтинг цикли⁷

⁵ Муаллиф томонидан тузилган.

⁶ https://milkeninstitute.org/sites/default/files/reports-pdf/InsurTech-Rising-12.4.18_2.pdf

⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

Биз содир бўлган, лекин хабар қилинмаган заарлар захирасини (СХЗЗ) ҳисоблаш учун асос сифатида асосий суғурта мукофотини эмас, балки асосий суғурта мукофоти – соф қайта суғурталашни қабул қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисблаймиз. Бу, айниқса, кичик суғурта компаниялари учун жуда муҳимдир. Амалиёт шуни кўрсатдики, кичик суғурта компаниялари учун асосий суғурта мукофотини асос сифатида қабул қилиш «суғурталовчи суғурта захиралари қийматига тенг миқдорда активларни ажратиши шарт» деган норматив талабга риоя қилиш билан боғлиқ муаммолар келиб чиқиши мумкин, бу эса уларга Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан жаримага тортиш таҳдидини пайдо қиласди. Шу муносабат билан биз Франция, Буюк Британия ва Швеция каби мамлакатлар юрисдикцияларида кўлланиладиган СХЗЗни ҳисоблашда пропорционал ёндашувни қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисблаймиз.

Хулоса. Суғурта юқорида санаб ўтилган рискларнинг аксарият қисмини амалга ошириш натижасида жисмоний ва юридик шахсларнинг йўқотишларини камайтиришнинг оптималь ва кенг тарқалган усули ҳисобланади. Рискларни суғурталаш иқтисодий жиҳатдан асосли бўлган қўйидаги ҳолатларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

-риск остида бўлган жисмоний ёки юридик шахс (потенциал полис эгаси) учун катта бўлган зарар суғурта компанияси (суғурталовчи) учун аҳамиятсиз бўлиши мумкин;

-суғурталовчи потенциал суғурталанувчига қараганда рискларни минималлаштириш ва йўқотишларни камайтириш усулларини яхшироқ билади;

-юридик шахсларнинг суғурта қилиш тавсия этиладиган рисклари қўйидагилар натижасида юзага келиши мумкин бўлган

йўқотишларни ўз ичига олади: анъанавий рисклар (ёнғинлар ва бошқа табиий оғатлар); киберхавфлар (компьютер маълумотларидан нотўғри фойдаланиш натижасида фирибгарлик, маълумотлардан фойдаланиш, сақлаш ва узатиш билан боғлиқ ҳар қандай турдаги жавобгарлик; электрон шаклдаги маълумотларнинг мавжудлиги, яхлитлиги ва маҳфийлиги); ташиб пайтида юридик шахсларнинг маҳсулотига зарар етказилиши ёки нобуд бўлиши; юридик шахслар ходимларининг хатолари ва инсофизлиги натижасида етадиган зарар; юридик шахсларнинг ходимлари томонидан тижорат маълумотларини рақобатчиларга ўтказиши; юридик шахсларнинг субпурдатчилари томонидан мажбуриятларни бажармаслик; юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиб туриш; юридик шахсларнинг асосий ходимлари билан юзага келиши мумкин бўлган касаллик, ўлим ёки баҳтсиз ходиса.

Юқорида айтилганларнинг барчаси суғурта қилиш имконияти ва шартларини аниқлаш учун суғуртада таклиф қилинадиган рискларни аниқлаш ва таҳлил қилиш жараёнларини профессионал тарзда амалга ошириш - андеррайтинг сифатини ошириш зарурлигини келтириб чиқаради. Иқтисодиётни модернизация қилиш босқичида суғурта соҳасида андеррайтингнинг асосий функциялари суғурта бизнесининг даромадли соҳаларини аниқлаш, уларни индивидуал шартларда суғурта қилиш имкониятини аниқлаш учун янги рисклар ёки риск гурухларини ҳисобга олиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг суғурта сегменти учун амалда бўлган нархлаш модели суғурта компанияларини акциядорлаштириш талабларига тўлиқ мос келмайди ва уни МҲҲСнинг 17 «Суғурта шартномалари» стандартларига мувофиқ модернизация қилиш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Шумпетер Й. Теория экономического развития. М.: Прогресс, 1982. С. 21.



2. Балабанов И.Т. Риск-менеджмент /И.Т. Балабанов-М.: Финансы и статистика, 1996. С. 188.
3. Современный экономический словарь / Б. А. Райзберг, Л. Ш. Лозовский, Е. Б. Стародубцева; под ред. Б. А. Райзberга. 6-е изд., доп. и перераб. М. : ИНФРА-М, 2017. С. 512.
4. Ковалев, В.В. Финансовый менеджмент: теория и практика / В.В. Ковалев. — 3-е изд., пере-раб. и доп. — Москва : Проспект, 2014 .— 1094 с.
5. De Nardi M. et al. Family and government insurance: Wage, earnings, and income risks in the Netherlands and the US //Journal of Public Economics. – 2021. – Т. 193. – С. 104327.
6. Dana L. P., Nguyen H. T., RafalKuc B. Strategic outsourcing risk management of Van Hien University in Vietnam //International Journal of Advanced Multidisciplinary Research and Studies. – 2021. – Т. 1. – №. 2. – С. 1-6.
7. Sandström Arne, Handbook of Solvency for Actuaries and Risk Managers: Theory and Practice - 2010; Орланюк-Малицкая Л.А. Платежеспособность страховой организации. М.: Издательский # центр "АНКИЛ", 1994. - 151 с.; Малиновский В. Некоторые вопросы исследования платежеспособности страховых компаний // Страховое дело. 1995. - № 6. - с. 46-52; Лельчук, А.Л. Современный подход к оценке платежеспособности страховой компании / А.Л. Лельчук // Финансы. – 2013. – № 6. – С. 45 – 46. – ISSN 0869-446X
8. On Solvency, Solvency Assessments and Actuarial Issues. IAIS Sub–Committee on Solvency and Actuarial Issues Paper. Final Version-15 March 2000
9. A Global Framework for Insurer Solvency Assessment. 2004. International Actuarial Association, Ontario
10. EIOPA, «Technical Provisions – Article 86 (d) - Calculation of the Risk Margin», October 2009.
11. Insurance and Issues in financial Soundness. IMF Working party. <https://www.imf.org/~wp03138.pdf>
12. Solvency II Overview – Frequently asked questions. https://ec.europa.eu/commission/presscorner/detail/en/MEMO_15_3120 (дата обращения: 02.02.2022 г.)
13. Directive of the European Parliament and of the Council of 25 November 2009. on the taking-up and pursuit of the business of Insurance and Reinsurance (Solvency II). <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/ALL/?uri=CELEX:02009L0138-20190113#id-5ae5e5bb-964e-4047-9bc1-95033a1a9ea1>